

IKKINCHI JAHON URISHIDAN KEYINGI YILLARDA SOVET ITTIFOQIDA DON TANQISLIGI HAQIDA BA’ZI MULOHAZALAR

Yunusova Xurshida Erkinovna

O‘zbekiston milliy universiteti professori, tarix fanlari doktori

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.21058832>

Annotatsiya: Mazkur maqolada ikkinchi jahon urishi tugagandan so‘ng xalq xo‘jaligini tiklash yo‘lidagi harakatlar davomida ham butun sovet davlati qishloq xo‘jaligi islohotlarga muhtojligi, mamlakatda don tanqisligiga oid masalalar taxlil qilingan. Maqolada O‘zbekiston SSRda yetishtirilgan yalpi don hosilining qariyb yarmini bug‘oy tashkil etgani, arpa esa ancha kam yetishtirilgani va lalmikor yerlarida olinayotgan don hosilining barqaror emasligiga kolxoz-sovхозlar fan hamda ilg‘or tajrba yutuqlaridan keng foydalanilmagan hotlarning muhim jihatlari ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: Ikkinchi jahon urishi, xalq xo‘jaligini tiklash yo‘lidagi harakatlar, sovet davlati qishloq xo‘jaligi islohotlari, mamlakatda don tanqisligiga oid masalalar, O‘zbekiston SSR

Аннотация: В данной статье проанализированы проблемы нехватки зерна в стране, а также необходимость проведения реформ в сельском хозяйстве всего Советского Союза в период восстановления народного хозяйства после окончания Второй мировой войны. В статье раскрываются важные аспекты, связанные с тем, что почти половину валового сбора зерна, произведённого в Узбекской ССР, составляла пшеница, тогда как ячменя выращивалось значительно меньше. Кроме того, отмечается нестабильность урожайности зерновых культур на богарных землях, обусловленная недостаточным использованием колхозами и совхозами достижений науки и передового сельскохозяйственного опыта.

Ключевые слова: Вторая мировая война, восстановление народного хозяйства, реформы сельского хозяйства Советского Союза, проблемы нехватки зерна в стране, Узбекская ССР

Abstract: This article analyzes the problem of grain shortages in the country and the need for agricultural reforms throughout the Soviet Union during the post–World War II reconstruction of the national economy. It highlights that nearly half of the gross grain harvest produced in the Uzbek SSR consisted of wheat, while barley was cultivated in considerably smaller quantities. The article also emphasizes the instability of grain yields on rain-fed (dryland) fields, which resulted from the insufficient application of scientific achievements and advanced agricultural practices by collective farms (kolkhozes) and state farms (sovkhozes).

Keywords: World War II, post-war reconstruction of the national economy, agricultural reforms in the Soviet Union, grain shortage, Uzbek SSR

Иккинчи жаҳон уриши тугагандан сўнг халқ хўжалигини тиклаш йўлидаги ҳаракатлар давомида ҳам бутун совет давлати қишлоқ хўжалиги ислохотларга муҳтожлигича қолди. Агар уриш арафаси, 1940 йилда бутун совет мамлакатининг аҳолиси 194,1 млн. киши бўлган бўлса, уларнинг 131,0 млн.ни ёки 67,5 фоизи қишлоқ аҳолисидан иборат бўлди. Қишлоқ хўжалиги тузилмасида социалистик сектор устувор бўлиб, мамлакат-да 236,9 минг колхоз ва 4,2 минг совхозларда 18,7 миллион хўжалик уюшган⁷⁶ бўлиб, самарадорлик паст бўлди. Айни пайтда душман томонидан босиб олинган ҳудудларда ғалланинг жаъми 38 фоизи, қанд лавлагининг 84 фоизи етиштирилган, йирик шохли қорамолларнинг 38 фоизи жамланган⁷⁷, мамлакат аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилган эди. СССР қишлоқ хўжалигида ялпи ишлаб чиқариш уришгача бўлган даврга нисбатан 60

⁷⁶ Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник. – Москва. Финансы и статистика, 1987. – с. 373.

⁷⁷ Вознесенский Н.А. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва. Госполитиздат, 1948. – с. 42.

фоизни фоизни ташкил этди. Экин майдонлари бирмунча қисқариб, агротехника ишлари пасайиб кетди, чорвачиликка катта зарар етди. 1946 йилдаги қурғоқчилик, хусусан, буғдой экиладиган ҳудудларда – Украина ССР, Молдавия ССР, Волгабўйининг қуйи ва ўрта оқимлари, Марказий Қоратупроқ ва ноқоратупроқли ерларда 70 кунгача ёғингарчиликни бўлмаслиги мураккаб вазиятни келтириб чиқарди, ҳосилга таъсир ўтказди ва буғдой етиштириш 1940 йилга нисбатан икки мартага камайиб кетди. Натижада 1940 йилда бу 95,6 млн. т. буғдой етиштирилган ҳолда, 1945 йилда мамлакатдаги хўжаликларда 39,6 млн. т. буғдой йиғиштириб олинди⁷⁸. Давлатга буғдой топшириш режаси бажарилмади, лекин СССР ҳукумати хорижга асосан Шарқий Европа давлатларига буғдой экспорт қилди. Мамлакат аҳолисини айниқса нон маҳсулотлари билан таъминлаш оғирлашиб борган ҳолда, 1946 йилда мамлакатдан 1,7 млн. тонна нон ташқарига чиқарилди⁷⁹. Тарихчи В.Зиманинг ёзишича, мамлакатда “1946 йил ва 1948 йиллар оралиғида 1 млн.дан ортиқ киши вафот этди. Очлик оқибатида 4 млн.дан ортиқ киши дизентерия, дисперсия, пневмония касаллиги билан касалланиб, уларнинг 1,5 млн.дан ортиғи вафот этди⁸⁰.”

1953-йил баҳорида И. В. Сталин вафотидан сўнг мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар учун "имкониятлар даричаси" кенгайди. Бироқ, бу йилларда бутун мамлакат қишлоқ хўжалигида ҳолат талабга жавоб бермас эди. 1953-йил 3-7-сентябрь КПСС МҚ пленуми бўлиб ўтади. Унда “қишлоқ хўжалигини кескин ошириш учун умумхалқ кураши” йўналишини эълон қилди ва 2-3 йил ичида “мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган, ўсиб бораётган эҳтиёжларини етарли даражада

⁷⁸ Данилов А.А., Пыжиков А.В. Рождение сверхдержавы СССР в первые послевоенные годы. – М.: РОССПЭН, 2001. – с. 304.

⁷⁹ Кожин В.В. Россия Век XX (1939–1964). – М.: Эксмо – Пресс, 2002. – 448 с.

⁸⁰ Зима В.Ф. Голод в СССР 1946-1947 годов: происхождения и последствия. -М.: ИРИ РАН, 1996.- с.265.

қондириш ва енгил озиқ-овқат саноатини хом ашё билан таъминлаш” вазифасини қўйилди⁸¹.

Пленумдан сўнг КПСС МҚнинг "СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Н.Хрушев қишлоқ хўжалигини яхши тушинганлиги сабабли озиқ-овқат масаласини ҳал қилмасдан туриб, белгиланган режага етишиб бўлмаслигини яхши биларди. Лекин, қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислохотлари бир - бирига қарама - қарши бўлиб, у томондан белгиланган кўплаб тадбирлар кўпинча ўйланмаган характерга эга бўлди. Буларга маккажўхори “васвасаси”, қишлоқ хўжалигида кўп қаватли турар - жой биноларининг қурилиши, халқ хўжалиги бошқарувини қайта-қайта қуриш кабиларни киритиш мумкин эди.

Н.Хрушев ўзи бошлаган ислохотларни давом эттириши учун аввало ғалла масаласини ҳал қилиш лозимлигини билар эди. 1950 йилларда бутун мамла-катда ҳар га.ердан 7,2 ц. ғалла олинди ва бу ғалла масаласига алоҳида эътибор билан қарашни талаб этди⁸². 1954 йилда бўлиб ўтган КПСС МҚнинг февраль-март пленумида мамлакат шарқи - Қозоғистон, Ғарбий Сибирь, Волгабўйи, Уралда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши деб эътироф этилди. Албатта, бу тадбирлар ўша давр учун “инқилобий чора” сифатида қабул қилинди. Шу ўринда алоҳида эътибор бериш лозимки, Н.Хрушев ислохотлари даврида совет қишлоқ хўжалигининг ўсиши 7,6 фоиздан 1,7 фоизга тушиб қолди. 1955-1964 йиллар давомида ғалла етиштириш уч маротаба 1956, 1958, 1964 йилларда бажарилди холос.

1959 йил 27январь-5 февралда бўлиб ўтган КПСС МҚнинг ХХI съездидан сўнг мамлакатда дон танқислиги ҳал этилганлиги эълон қилинди. 1959 йил 22-23 сентябрь кунлари Н.Хрушевнинг АҚШга бўлган сафарида

⁸¹ КПСС в резолюциях, 1986, с. 308.

⁸² Лушин А. Всеобщая «кукурузация» как один из несостоявшихся управленческих экспериментов Н. С. Хрущева // Управленческое консультирование. — 2022. — № 11 (167).

Айова штатидаги Росуэлла Гарста, фермасига ташриф буюради ва мамлакатга қайтгач, ислохотларни давом эттириб, озиқ-овқат танқислигини олдини олишнинг йўли сифатида бутун мамлакатда жўхори экиш авж олдирилди. Н.Хрушев ҳукуматга келмасдан аввал маккажўхори етиштирилган ҳудудлардан - Шимолий Кавказ, Украина ССР, Молдавия ССРдан ташқари мамлакатнинг шимолий ҳудудларидан Волгоградгача бўлган ерларга ҳам маккажўхори экилди. 1956 йилда маккажўхори экиладиган ҳудудлар 18 млн. га. ерни ташкил этган бўлса⁸³, 1960 йилларнинг бошига келиб мамлакатда ўзлаштирилган ерларнинг 4/1 қисмига маккажўхори экилди ва бу умумий ерларнинг 80 фоизини ташкил этди⁸⁴. 1962 йил маккажўхори компанияси авжига чиққан вақтда 37 млн. га. га етди⁸⁵.

Бироқ, Мамлакатда озиқ-овқат танқислиги масаласини ҳал этишнинг имкони йўқ эди. 1961 йил 17 октябрдан 31 октябргача бўлиб ўтган КПСС МҚнинг XXII съездида коммунистик партия тарихида учинчи маротаба “совет халқини коммунизмга йўнатиришга мўлжалланган” КПСС Программаси қабул қилиниб, унда озиқ-овқат масаласини ҳал этишнинг бир қатор баландпарвоз “вазифалари” белгилаб берилди. Бироқ, 1960 йиллардаёқ мамлакатда озиқ-овқат танқислиги сақланиб қоли. Мамлакатнинг марказий қисмларида дўкон пеш-тахталаридан ёрмаларнинг баъзи турлари, тухум вермишел, сариёғ, қайнатил-ган сут, ярим тайёр гўшт маҳсулотлари йўқолди, ун ва оқ нонда узилишлар сақланиб қолди. 1961 йилда СССРнинг жаҳон буғдой ишлаб чиқаришдаги улуши 28 фозини ташкил этди⁸⁶. 1961 йилдаги ғалла етиштириш режаси ҳам ҳориждан ғалла сотиб олиш ҳисобига

⁸³ Лушин А. И. Всеобщая «кукурузация» как один из несостоявшихся управленческих экспериментов Н. С. Хрущева // Управленческое консультирование. — 2022. — № 11 (167)

⁸⁴ Новейшая история отечества. XX век: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений: Вып. 2. — Москва. ВЛАДОС, 1999. — С. 309.

⁸⁵ Лушин А. И. Всеобщая «кукурузация» как один из несостоявшихся управленческих экспериментов Н. С. Хрущева // Управленческое консультирование. — 2022. — № 11 (167)

⁸⁶ Калабеков И. Г. СССР и страны мира в цифрах // <https://su90.ru/>. Мурожат қилинган сана ??? йил, ?????

бажарилди⁸⁷. Шу йилда мамлакатнинг ноқоратупроқ ерларида маккажўхори ҳосили ҳам нобуд бўлди. Натижада, 1962-1963 йилларда СССР буғдой инқирузи ва нон танқислиги яққол кўзга ташлана бошлади, камига 1957 йиллардан бошланган илмий исботланмаган иқтисодий ислохотлар ва 1962-1963 йиллардаги маъмурий – ҳудудий бўлинишилар ҳам бу инқирузларга таъсир этмасдан қолмади⁸⁸. СССР Америка ғалласини кенг миқёсда сотиб олишга киришди.

1963 йил 20-августда КПСС Марказий Комитетининг "Давлат нон ресурсларини тежаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ 1964-йилда ғалла экспортини деярли 4,5 млн тоннага камайтириш, яъни амалда нолга тушириш режалаштирилди ва амалда СССР 1963 йил сентябридан капиталистик мамлакатларга ғалла экспорт қилишни тўхтатди⁸⁹. Бироқ биргина тежамкорликнинг ўзи етарли бўлмади. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида чет элдан ғалла сотиб олиш дастури ишлаб чиқилди. 1963 йил 20-августда КПСС МКнинг "Давлат нон ресурсларини тежаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ 1964-йилда ғалла экспортини деярли 4,5 млн. тоннага камайтириш, яъни амалда нолга тушириш режалаштирилди ва СССР 1963 йил сентябридан капиталистик мамлакатларга ғалла экспорт қилишни тўхтатди⁹⁰. Бироқ биргина тежамкорликнинг ўзи етарли бўлмади, бир вақтнинг ўзида чет элдан ғалла сотиб олиш дастури ишлаб чиқилди. 1963-йил декабрь ойида Совет ҳукумати АҚШдан 12 млн. тонна дон партиясини сотиб олишга мажбур бўлди ва 1970-йилларга келиб дон импорти янада кўпайди. Четдан ғалла

⁸⁷ Новейшая история отечества. XX век: Учеб.для. студ.высш.учеб.заведений: Вып.2. – Москва. ВЛАДОС, 1999. – С. 312.

⁸⁸ Лушин А. И. Всеобщая «кукурузация» как один из несостоявшихся управленческих экспериментов Н. С. Хрущева // Управленческое консультирование. — 2022. — № 11 (167).

⁸⁹ Пивоваров Н. Зерновой кризис 1963-г. СССР и внешнеторговые коллизии его разрешения // Гуманитарные науки в сибире. 2019. Том 26, №1, - с. 29.

⁹⁰ Пивоваров Н. Зерновой кризис 1963-г. СССР и внешнеторговые коллизии его разрешения // Гуманитарные науки в сибире. 2019. Том 26, №1, - с. 29.

сотиб олиш СССРда ғалла инқирозини енгиллаштирди. Бироқ, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кучайиб, очарчилик хавф солмасада, лекин озиқ-овқат маҳсулотларига танқислик доимо сақланиб қолди. Нон маҳсулотларини харид қилиш учун навбатга туриш ҳолатлари кучайиб кетди. Бу хусусда ҳатто, 1979 йилнинг январь ойида “Правда” газетасига халқдан 16 та хат ҳам келди⁹¹.

Гуруч, инсон учун керакли бўлган озуқа моддаси ҳисобланиб, мамлакатда озиқ-овқат масаласини ҳал қилишда ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Иккинчи жаҳон уришидан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини тиклаш ишларида шолчиликка ҳам алоҳида эътибор берилди. Мамлакатнинг Ўрта Осиё, Қозоғистон, Қўйи Волгабўйи, Украинанинг жанубий қисми, Краснодар ўлкаси, Ростов области, Приморский ўлкалари шолчиликка ихтисослашди. Бу ҳудудларда гуручни катта миқдорда етиштириш мумкин деб ҳисобланди.

Иттифоқдош республикалар орасида Ўзбекистон ССРнинг иқлими. Ҳудудий жойлашиши ўзига хос бўлиб, бошоқли экинлар экиш беш йиллик режаларда белгиланган бўлсада, республикада лалмикор ерлар буғдой ва арпа асосий экин экиладиган ерлар ҳисобланди. Дон-дуккакли (нўхот ва кўк нўхот) ҳамда мойли (кунгабоқар, зиғир, софлор), экинлар унча кўп экилмади. Айни пайтда лалмикор ҳудудларда полиз экинлари, силосбоп экинлар, айниқса, беда майдонлари кенгайиб борди. Шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароти эса қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга қулай ҳудуд бўлиб, бу борада буғдой етиштириш ҳам олдинги ўринларда турди.

Ўзбекистоннинг дой экинлари, хусусан, буғдой етиштиришидаги ўрни иккинчи жаҳон уришидан кейин янада мустаҳкамланди. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг 1960 йил 23 апрелда “Донли, мойли экинлар ва ўтлар уруғчилигини яхшилаш тўғрисида”ги қарори чиқди. Шу қарорга кўра

⁹¹ Шубин А.В. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985 гг. – Москва. РОССПЭН, 2000. - с. 112.

иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Совети ва СССР Қишлоқ хўжалик Министрлигига 3-4 йил давомида баҳори навдор дон экинлари уруғидан Давлат эҳтиёт (страхование) фонди ва давлат ресурсларида кузги навдор дон экинларининг йилдан-йилга ўтадиган запас фондини ташкил қилиш таклиф қилинди. Бундан ташқари қарорга асосан колхоз ва совхозларга ҳар йили ўз эҳтиёжини ўзида етиштирилган навдор районлаштирилган дон уруғи билан таъминлаш, 3-4 йил ичида ўзи учун зарур миқдорда эҳтиёт ва йилдан – йилга ўтадиган уруғ фонди яратиш вазифаси юклатилди. Хуллас, Ўзбекистон ССРда етиштирилган ялпи дон ҳосилининг қарийиб ярмини буғой ташкил этди, арпа эса анча кам етиштирилди. Бироқ, Ўзбекистон ССРдаги лалмикор ерларида олинаётган дон ҳосилининг барқарор эмаслигига колхоз-совхозлар фан ва илғор тажриба ютуқларидан кенг фойдаланилмаган ҳотлар бўлиб ўтди. Булар қаторига ерларга сурункали дон экиш одат бўлиб қолганлиги, майдонларни бегона ўт босиб кетганлиги, лалмикор деҳқончиликда ишлар яхши йўлга қўйилмаганлигида кўринди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник. – Москва. Финансы и статистика, 1987. – с. 373.
2. Вознесенский Н.А. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва. Госполитиздат, 1948. – с. 42.
3. Данилов А.А., Пыжиков А.В. Рождение сверхдержавы СССР в первые послевоенные годы. – М.: РОССПЭН, 2001. – с. 304.
4. Кожин В.В. Россия Век XX (1939–1964). – М.: Эксмо – Пресс, 2002. – 448 с.
5. Зима В.Ф. Голод в СССР 1946-1947 годов: происхождения и последствия. -М.: ИРИ РАН, 1996.- с.265.

6. Лушин А. И. Всеобщая «кукурузация» как один из несостоявшихся управленческих экспериментов Н. С. Хрущева // Управленческое консультирование. — 2022. — № 11 (167)
7. Новейшая история отечества. XX век: Учеб.для студ.высш.учеб.заведений: Вып.2. – Москва. ВЛАДОС, 1999. – С. 309.
8. Калабеков И.Г. СССР и страны мира в цифрах // <https://su90.ru/>.
Мурожат қилинган сана ???? йил, ??????
9. Пивоваров Н. Зерновой кризис 1963-г. СССР и внешнеторговые коллизии его разрешения // Гуманитарные науки в сибире. 2019. Том 26, №1, - с. 29.
10. Шубин А.В. От «застоя» к реформам. СССР в 1917-1985 гг. – Москва. РОССПЭН, 2000. - с. 112.